

Ҳужжат имзоланган:

сана:2022.09.07 09:04:32
серия рақами: 778af140
компания:ООО 23-MEXANIZATSIYALASHGAN KO`CHMA
KOLONNA
стир: 201283798
фиш: AMIRKULOV MELS
email:

сана:2022.09.07 09:22:59
серия рақами: 77с236еb
компания:KO`P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA
JORIY TA`MIRLASH HAMDA
стир: 307909444
фиш: RO`ZIYEV ZAFAR
email:



11ED2E622762C07287FD1E0008000075

электрон ҳужжат идентификатори

Қурилиш пудрат
Шартнома №89

Қарши шаҳар
(шартнома тузиш жойи)

07.09.2022
(шартнома тузиш сана)

"23-MEXANIZATSIYALASHGAN KO`CHMA KOLONNA" MCHJ (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор AMIRKULOV MELS AVLAKULOVICH, бир томондан, ва ""KO`P XONADONLI UYLARNI MUKAMMAL VA JORIY TA`MIRLASH HAMDA" (бундан буён - "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор RO`ZIYEV ZAFAR ABDURAXMONOVICH, иккинчи томондан, биргаликда "Тарафлар", алоҳида эса "Тараф" деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари

Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қилади ва Ижрочи қуйидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:

Table with 10 columns: №, Махсулот номи (хизматлар), Товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи, Товар/хизмат штрих коди, Ўлчов бирлиги, Миқдори, Нарх, Етказиб бериш қиймати, ҚҚС (ставка, сумма), Етказиш баҳоси ҚҚС билан. Row 1: Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари, 10001999001000000 - Бино ва иншоотлар қуриш хизмати, дона, 1.00, 107 915 652.17, 107 915 652.17, 15 %, 16 187 347.83, 124 103 000.00. Summary row: Жами, 107 915 652.17, 16 187 347.83, 124 103 000.00.

Шартноманинг умумий миқдори Бир юз йигирма тўрт миллион бир юз уч минг сум 00 тийин (сумма сўзлар билан), (124 103 000.00)

I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома Etender.uzex.uz платформасининг энг яхши таклифини аниқлаш бўлими электрон баённомасида тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 124 103 000 (Бир юз йигирма тўрт миллион бир юз уч минг) сўмни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни

бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 40 кунда топшириш;
- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш оморга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи Пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи Пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш; қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш; қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник ҳафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида Пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 10 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида тенг улушларга (30 фоиздан) бўлган ҳолда аванс ўтказди, бу 37 230 900 (Ўттиз етти миллион икки юз ўттиз минг тўўқиз юз) сўмни ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизига доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизига миқдорида амалга оширилади.

#### VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқчилигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан

ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиққабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

VII. Ишларини кўриқлаш

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бинова иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.  
 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.  
 37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.  
 38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.  
 40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.  
 41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.  
 42. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X. Кафолатлар

43. Пудратчи:  
 - барча ишлар тўлиқҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;  
 - лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;  
 - ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;  
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;  
 объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.  
 44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.  
 45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.  
 46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.  
 Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V- бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.  
 47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Тошкент иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XI. Шартномани бекор қилиш

48. Буюртмачи:  
 - шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;  
 - ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,  
 - Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;  
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш

хуқуқига эга.  
 49. Пудратчи:  
 - ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан  
 ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;  
 - буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
 - қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш  
 хуқуқига эга.  
 50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш  
 объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига  
 тўлайди.  
 51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи  
 томонга ёзма билдиришнома юборади.  
 52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан  
 бой берилган фойдани тўлайди.  
 53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур  
 шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда  
 айбдор томон:  
 - иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;  
 - Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг  
 шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида  
 ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.  
 55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз  
 вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун  
 Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1  
 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган  
 хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.  
 56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод  
 этмайди.  
 57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги  
 учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдорига  
 жарима тўлайди.  
 58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига  
 муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи  
 миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг  
 30 фоизидан ошмаслиги лозим.  
 59. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун  
 Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар  
 қийматининг 0,1 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган  
 ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.  
 60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли  
 етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.  
 61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига,  
 ишчиҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг  
 хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан  
 сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига ундириш хуқуқига эга.  
 62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан  
 ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки  
 шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган  
 зарарларни қоплайди.  
 63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада  
 бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо  
 буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда  
 Карши шаҳар иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XIV. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча  
 олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.  
 66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг  
 ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига  
 эга бўлмайди.  
 67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва  
 томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдобўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

71. Мазкур шартномада назарда тutilмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

73. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг ҳуқуқий кучга киради.

## **2. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари**

### **Ижрочи**

**Номи: "23-МЕХАНИЗАТСИЯЛАШГАН КО'СНМА КОЛОННА" МСНҲ**

**Манзил: Кукдала тумани**

**Телефон: 998939375865**

**Факс:**

**СТИР: 201283798**

**ОКЭД: 43990**

**Х/Р: 20208000000559061001**

**Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК ҚУРИЛИШ БАНК" БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШҚАРМАСИ**

**МФО: 01037**

### **Буюртмачи**

**Номи: "КО'Р ХОНАДОНЛИ УЙЛАРНИ МУКАММАЛ ВА ЖОРИЙ ТА`МИРЛАШ НАМДА**

**Манзил: AMIR TEMUR KO`CHASI, 74-UY**

**Телефон:**

**Факс:**

**СТИР: 307909444**

**ОКЭД: 84112**

**Х/Р: 100021860104017069902110004**

**Банк: ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИСОБ-КИТОБ КАССА**

**МАРКАЗИ**

**МФО: 00014**

**Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атройида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш  
чирокларини ўрнатиш ишларини молиялаштириш  
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Объект номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	2022 йил учун қурилиш қиймати												Ишлар тури қийма- тининг жами
				I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
				Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17
1	Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атройида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш ишлари	1	124 103 000									117 897 850	6 205 150			



**БҲҮҮРТМА**  
Раҳбар: З.Рузиев  
М.Ў.

**ПУДРАТЧИ:**  
Раҳбар: С.Амиркулов  
М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш

Буюртмачи раҳбари: **З.Рузиев**

Пудратчи раҳбари:

Юридик хизмат  
кўрсатувчи:

томонидан тузилаётган 2022 йил “7 сентябрь 89” - сон шартнома, умумий суммаси 124103000 (Бир юз бишмиш уч миляон) сўм килиб белгиланган шартнома лойиҳаси юзасидан, шунинг билан бир юз устунга

### ЮРИДИК ХУЛОСА СИ

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексини “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза килиб, ушбу қурилиш Пудрат шартномасини ҳақиқатдан ҳам давлат рўйхатидан ўтганлигини ва мазкур шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлигини ва банкдаги реквизитлар тўғрилигини, тўлов қобилиятига эга эканлигини ва шартнома лойиҳасининг қонунчилик ҳужжатларига мос келишлилигини аниқладим.

Шу муносабат билан ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос (Буюртмачи ташкилот):



М.ў.

“7” сентябрь 2022 йил







1	Дустлик Мەй 34,36,38 уйлар	2022 йил	1	114137,7						22	1142,4	3	10624,2	1	121083,8	141 273,1	132 850,3	8422,8	1683,8	6739,0	45	№105-2022 08.06.2022 й	27.06.2022 й	ТЎВ КАПИТАЛ INVEST MJK
2	А.Навий Мەй Камалак 18,19,26 уйлар	2022 йил	1	114137,7								2	8062,3			128 471,7	122 200,0	6271,7	1253,8	5017,9	90	№03/16-2022 25.03.2022 й	05.04.2022 й	OOO DAVR SA NOAT STROY INVEST
3	А.Навий Мەй 28, 30 уйлар	2022 йил								376	37463,3	6	23608,5			64 262,2	61 071,8	3190,4	637,8	2552,6	30	№03/14-2022 31.03.2022 й	22.04.2022 й	Qashqadaryo viloyati Tadmir-lab- tikish xizmati DUK
4	Чоранли Мەй Чоранли К6,7,8 уйлар	2022 йил	1	113060,2								2	7939,8			127 269,3	121 000,0	6269,3	1253,3	5016,0	70	№59-2022 11.04.2022 й	30.05.2022 й	OOO SIFAT NUR STROY INDUSTRIAL
5	Чоранли Мەй Чоранли К6,7,8 уйлар Бурмачилик жами харажатлари Тақсидланмаган лимит	2022 йил	2	227 197,9	0	0	0	0	0	638	61 308,3	13	50 234,8	3	410 401,8	328 000,0	312 020,6	15793,3	3194,4	12784,9	30	№60-2022 11.04.2022 й	18.05.2022 й	Building Capital Service MCHU
10	Карши тумани бўйича жами Миршоркор тумани		2	227 197,9	0	0	0	0	0	638	61 308,3	13	50 234,8	3	410 401,8	789 276,3	749 142,8	40 133,5	8 023,0	32 110,5				
1	Миршоркор тумани Обод Қўй Обод Қўй 4,5,6 уй Бурмачилик жами харажатлари Тақсидланмаган лимит	2022 йил	1	113560,5						213	16165,4	8	31657,2	1	143616,9	320 733,1	305 000,0	15733,1	3145,2	12587,9	90	№37/1-2022 31.03.2022 й	11.05.2022 й	OOO DAVR SA NOAT STROY INVEST
	Миршоркор тумани бўйича жами Миршоркор тумани		1	113 560,5	0	0	0	0	0	213	16 165,4	8	31 657,2	1	143 616,9	320 733,1	305 000,0	15 733,1	3 145,2	12 587,9				
11	Миршоркор тумани		1	113 560,5	0	0	0	0	0	213	16 165,4	8	31 657,2	1	143 616,9	320 733,1	305 000,0	15 733,1	3 145,2	12 587,9				
1	Ешлик Мەй 2-мл 23 уй	2022 йил	1	113840,9								8	31159,1			152 461,3	145 000,0	7461,3	1491,6	5969,7	90	№54-2022 11.04.2022 й	11.05.2022 й	OOO DAVR SA NOAT STROY INVEST
2	Кончилар Мەй 14 уй, Тонг Мەй 13 уйлар	2022 йил										12	47500,0			49 940,2	47 500,0	2440,2	487,8	1952,4	45	№6105 11.08.2022 й	19.08.2022 й	COMMUNICA TIONS CONSTRUCTI ON GROUP CHIBUXORO
3	Тонг Мەй 4-мл 13 уй	2022 йил	1	92662,6						266	21794,5	8	24846,7			148 133,4	139 303,8	8629,5	1765,1	7064,4	45	№44-2022 31.03.2022 й	11.05.2022 й	TAMIR QURILISH INVEST
4	Куручилар Мەй Ешлик 7/1 уй Бобур Мەй 23 уй	2022 йил	1	113586,0						33	2109,8			1	135890,2	145 523,4	138 000,0	7523,4	1504,0	6019,4	70	№55-2022 08.04.2022 й	11.05.2022 й	OOO NEW BUILDING MODERN
5	Кончилар Мەй 1-мл 14 уй Бурмачилик жами харажатлари Тақсидланмаган лимит	2022 йил	1	102773,4						386	34503,9	4	14158,2			160 067,0	151 435,4	8631,6	1725,5	6906,0	45	№65-2022 11.04.2022 й	18.05.2022 й	ШОХСУРОП MJK
6	Муборак тумани бўйича жами Нишон тумани	2022 йил	4	422 862,9	0	0	0	0	0	685	58 408,2	38	140 175,0	1	135 890,2	799 241,0	757 336,3	41 904,8	8 377,1	33 527,6				
12	Муборак тумани бўйича жами Нишон тумани	2022 йил	4	422 862,9	0	0	0	0	0	685	58 408,2	38	140 175,0	1	135 890,2	799 241,0	757 336,3	41 904,8	8 377,1	33 527,6				
1	Нурчи Мەй 3,6 уй	2022 йил	1	115830,6								4	14169,4			136 690,3	130 000,0	6690,3	1337,4	5352,8	45	№124-2022 30.05.2022 й	11.06.2022 й	Нишон уй-жой камушар, кўчалар ХК
2	Сўйдин Мەй 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 уйлар	2022 йил	2	224802,2						1 585	159754,0	16	62443,8			470 295,9	447 000,0	23295,9	4657,1	18638,8	70	№03/17-2022 31.03.2022 й	25.05.2022 й	ZAFARBEK BUNYODKOR QURILISH XK
3	Байналмиш Мەй 7,8,9 уйлар	2022 йил	1	108885,2						516	51266,5	10	36536,4			207 269,8	196 688,2	10581,6	2115,4	8466,2	60	№03/13-2022 31.03.2022 й	22.04.2022 й	OBOD KAPITAJ SERVIS XH
4	Нуристон Мەй 7,11,12,16 уйлар	2022 йил										12	42397,0			44 618,7	42 397,0	2221,8	444,1	1777,6	45	№125-2022 30.05.2022 й	08.06.2022 й	Нишон уй-жой камушар, ХК
5	Нуристон Мەй 16,17,18 уйлар	2022 йил	1	113744,9								7	24255,1			145 232,2	138 000,0	7232,2	1445,8	5786,4	60	№124-2022 30.05.2022 й	27.06.2022 й	Нишон уй-жой камушар, ХК
6	Юксалиш Мەй 3 уй	2022 йил	1	116277,4						349	37296,2	2	10681,5	1	149744,9	330 097,4	314 000,0	16097,4	3218,0	12879,4	60	№5 1148 15.07.2022 й	19.08.2022 й	AZIZBEK UNIVERSAL QURILISH SIFAT MCHU
7	Нуристон Мەй 1 мр 20 уй Бурмачилик жами харажатлари Тақсидланмаган лимит	2022 йил	7	793 364,3	0	0	0	0	0	2 450	248 316,7	53	198 659,2	1	1 497 449,1	1 462 593,5	1 390 085,1	72 508,4	14 495,1	58 013,3	30	№5 1143 15.07.2022 й	19.08.2022 й	Нишон уй-жой камушар, ХК
13	Нуристон Мەй 1 мр 20 уй Бурмачилик жами харажатлари Тақсидланмаган лимит Нишон тумани бўйича жами Чироқчи тумани	2022 йил	7	793 364,3	0	0	0	0	0	2 450	248 316,7	53	198 659,2	1	1 497 449,1	1 462 593,5	1 390 085,1	72 508,4	14 495,1	58 013,3				



**ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА  
ҚИЛИШГА ДОИР 15/08-09-13/ 0596 -22 -СОНЛИ  
СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ**

Карши ш.

«4» 09 2022 йил

СФ№00032-сонли Лицензия асосида фаолиятни амалга оширадиган, бундан буён «Суғурталовчи» деб номланадиган «ALFA INVEST SUGURTA KOMPANIYASI» АЖнинг 05-январ 2022 йилдаги 15-сонли Ишончномага асосан ҳаракат қиладиган Кашкадарё вилоят ҳудудий департаменти директори Ж.Шукуров шахсида бир тарафдан ва бундан буён «Суғурта қилдирувчи» деб номланадиган 23-механизация қилган тўғрива қолонга "ИИЭВ" Низом асосида амал қиладиган директор Амирсуюров В.О. шахсида иккинчи тарафдан, келгусида «Тарафлар» деб аталади, ушбу қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилишга доир суғурта шартномасини (матнда «суғурта шартнома») қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. «ALFA INVEST SUGURTA KOMPANIYASI» АЖ томонидан тасдиқланган «Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» (матнда «Қоидалар») ушбу суғурта шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу суғурта шартномасининг Суғурта қилдирувчи томонидан имзоланиши ва кучга кириши Суғурталовчи ушбу қоидалар билан танишганлигини тасдиқлайди. Ушбу Қоидалар Суғурталовчининг [www.alfainvest.uz](http://www.alfainvest.uz) расмий интернет саҳифасида жойлаштирилган.
- 1.2. Суғурталовчи ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.1999 йилда қабул қилинган «Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги 532-сонли қарори ва «ALFA INVEST SUGURTA KOMPANIYASI» АЖ томонидан тасдиқланган «Қурилиш-монтаж таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш қоидалари» шартларига мувофиқ Суғурта қилдирувчининг мулкый манфаатлари, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини ўтказишда учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига зиён етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган суғурта ҳодисаси юзага келганда нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали Суғурта қилдирувчига қоидалар ва ушбу суғурта шартномасида кўрсатилган тартибда ва ҳажмда зарарни қоплаб бериш мажбуриятини, Суғурта қилдирувчи эса суғурта мукофотини ушбу қоидалар ва суғурта шартномасида кўрсатилган тартибда ва муддатларда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумий истиснолар, суғурта ҳодисаси юзага келганида тарафларнинг ўзаро муносабатлари, жавобгарлик, форс-мажор ҳолатлари, низоларни ҳал этиш тартиби ва бошқа шартлар Қоидаларда ўз аксини топган.
- 1.4. Суғурта шартномаси Суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ариза-саволнома ҳамда бошқа зарур маълумотлар ва ҳужжатлар асосида тузилади. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига тақдим этилган ариза-саволнома ишончли маълумотларни ўз ичига олишини ва суғурта шартномасининг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайди.

**ДЕКЛАРАЦИЯ**

I бўлим – Моддий зарар

Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси тузилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида бир йўла тўланади. Суғурта шартномаси бўйича барча ҳисоб-китоблар “сўм”да амалга оширилади.

## 2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Қоидалар ва суғурта шартнома бўйича суғурталаш куйидаги гуруҳ таваккалчиликларини қопланишини таъминлайди:

1 Бўлим. Моддий зарар.

Хавф	Қоплаш лимити
Ёнғин, яшин, портлаш, учувчи аппаратларининг қулаб тушиши, ўз-ўзидан ёниб кетиш	100%
Ўғирлик ва учинчи шахсларнинг ғаразли ҳаракатлари	100%
Сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши	100%
Бўрон, довул	100%
Зилзила, сел, қор кўчкилари, заминнинг чўкиши, ер кўчиши, ўпирилиб тушиш (қулаш)	100%
Қисқа туташув, электр кучланишининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши, электр ёйлар	100%
Машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши	100%
Нуксони бўлган материал ва конструкцияларни беихтиёр қўллашдан кўрилган зарар	100%
Суғурта қилдирувчининг қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши	100%

2 Бўлим. Учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик.

Суғурта қилдирувчи куйидагилар натижасида учинчи шахслар олдида қонуний фуқаролик жавобгарлик ўтайдиган ҳолларда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига зарарни баён қилинган суғурта пуллари доирасида қоплаб беради:

- 1-бўлимда суғурта қилинган қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш пайтида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар (ўлим билан яқун топган ёки топмаган) оқибатида учинчи шахсларнинг тан жароҳатларини олиши;
- учинчи шахсларнинг мулкига содир бўлган бахтсиз ҳодисаларга боғлиқ равишда келиб чиққувчи етказилган зарарлар ёки шикастланишлар, агар ушбу бахтсиз ҳодисалар 1-бўлимда суғурта қилинган қурилиш ёхуд монтаж ишларини бевосита олиб борилиши муносабати билан қурилиш майдончасининг ўзида ёки қурилиш майдончасини ажратиб турадиган полосада ушбу шартнома бўйича суғурта амал қилиши даврида содир бўладиган бўлса.

## 3. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ КУЧГА КИРИШИ ҲАМДА СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

3.1. Суғурта шартномаси тарафлар уни имзолаган пайтдан эътиборан кучга киради ва тарафлар мажбуриятларини тўла бажаргунларига қадар амал қилади. Шартнома муддати узайтирилган тақдирда тарафларнинг қўшимча келишуви билан аниқланадиган қўшимча суғурта мукофоти тўланиши шarti билан унинг амал қилиши давом этади.

3.2. Агар ишлар жадаллаштирилганлиги натижасида қурилиш муддати суғурта шартномада кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгарирок тамом бўлса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

3.3. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига суғурта мукофоти тўланган кундан эътиборан кучга киради.

3.4. Суғурта полиси Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушганидан кейин 3 (уч) банк иш куни ичида берилади.

3.5. Суғурта шартномасини бекор қилиш ва тугатиш шартлари Қоидаларда белгиланган.

#### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ, ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафларнинг жавобгарлиги, форс-мажор ва низоларни ҳал этиш тартиби Қоидаларда белгиланган.

#### 5. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Суғурта шартномаси тарафларнинг ёзма келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

5.2. Тарафларнинг суғурта шартномасида баён қилинмаган ўзаро муносабатлари ЎзРнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Қоидалар билан тартибга солинади.

5.3. Тарафлар, шунингдек ҳар бир тарафнинг вакиллари ёки ходимлари ҳар бир тарафнинг ёзма равишдаги розилигисиз мазкур суғурта шартномасига тааллуқли бўлган фирма ёки махфий ахборотни ошқор қилмайди.

5.4. Суғурта шартномаси икки нусхада тузилган бўлиб, улар бир хил юридик кучга эга.

#### 6. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

##### СУГУРТАЛОВЧИ

«ALFA INVEST SUGURTA  
KOMPAINIYASI» АЖ Кашкадарё  
вилоят ҳудудий департаменти

Манзил: Карши ш И.Каримов кучаси  
214-уй

тел.: (+99875) 221-46-00

х/р: 20214000404273606057

АИТБ «Ипак йули» Карши филиали

МФО: 01119

СТИР: 204 628 206, ОКОНХ: 96220

##### СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

23 - механизация ва ремонт  
қўйма қоронга ширма

манзил: Ҳўрдала ту манси

тел.: \_\_\_\_\_

факс: \_\_\_\_\_

х/р: 20208000000559061001

МФО: 01037

СТИР: 201283498

ОКЭД: \_\_\_\_\_

Департамент директори



Ж.Шукуров



А.Алиев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қашқадарё вилоят Уй-жой  
коммунал хизмат кўрсатиш  
бошқармаси бошлиғи  
ўринбосари



А.А.Халилов

2022 йил

**Танлов комиссиясининг 31.08.2022 йилдаги Қарши шаҳар Шодлик МФЙ  
№ 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш  
чироқларини ўрнатиш ишлари (ЛОТ рақами № 22110012142299) бўйича  
тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси юзасидан ўтказилган  
йиғилишнинг**

### **МУҲОКАМА БАЁНИ № 21**

2022 йил 7 сентябрь

Қарши шаҳар

**Раислик қилди:**

Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.А.Халилов

**Қатнашдилар:**

Танлов комиссиясининг аъзолари (рўйхат бўйича)

### **КУН ТАРТИБИ:**

**Танлов комиссиясининг 31.08.2022 йилдаги Қарши шаҳар Шодлик МФЙ  
№ 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш  
чироқларини ўрнатиш ишлари (ЛОТ рақами № 22110012142299) бўйича  
тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси**

*(А.Халилов, Ж.Жўраев, О.Саттаров, А.Сафаров, З.Рўзиев, ..., А.Халилов)*

Йиғилишни “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори З.Рўзиев кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масалалар билан таништириб, соҳада олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишдаги вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.05.2022 йилдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 276 –сонли қарорининг 5 боб 5 § 99, 100, 101 ва 102 бандларига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

**Кун тартибидаги масалалар** юзасидан “Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи ўринбосари, танлов комиссиясининг раиси А.Халилов сўзга чиқиб, танлов комиссиясининг 31.08.2022 йилдаги Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари (ЛОТ рақами № 22110012142299) бўйича тасдиқланган электрон баённома муҳокамаси юзасидан танловда қатнашган талабгор корхоналар томонидан эътироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли танловда ғолиб



деб топилган пудратчи корхона билан ўрнатилган тартибда қурилиш пудрат шартномаси тузиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танлов комиссиясининг 31.08.2022 йилдаги Қарши шаҳар Шодлик МФЙ № 8, 9, 10, 11 сонли уйларни атрофида болалар майдончаси қуриш ва тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш ишлари (ЛОТ рақами № 22110012142299) бўйича тасдиқланган электрон баённомаси юзасидан эътироз ва шикоятлар келиб тушмаганлиги сабабли электрон танлов баённомаси ижро учун қабул қилинсин.

2. “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори (З.Рўзиев), бош ҳисобчиси (Э.Ёров) га муҳокама баённомасига асосан танлов ғолиби билан ўрнатилган тартибда қурилиш пудрат шартномасини расмийлаштирилишини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

Йиғилиш котиби



Мустафаев А.


Комиссия аъзолари:

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Қашқадарё вилоят филиали директори:




З.Рўзиев

“Кўп хонадонли уйлاردан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси” Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи:




А.Сафаров

Қашқадарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бўлим бошлиғи:



Ж.Жўраев

“Сардоба дизайн қурилиш” ХК мутахассиси:



О.Сатторов